



2016 йил «5» Урғаб

№ 439-ч

**Ер участкаси танлаш ва  
қурилишга рухсат бериш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, Ер кодекси»нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибini тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, 2016 йил 04 июлдаги «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ билан келишилган 1057/07 сонли келишув хатини, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 10 февралдаги №1419-сонли экологик экспертиза хулосасини, Нурабад тумани Қоракулча массиви ҳудудида жойлашган «Rustamjon Abbosjon orzusi» фермер хўжалигига қарашли ер майдонига «Rustamjon Abbosjon orzusi» фермер хўжалиги томонидан дала шийпони биноси қуриш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраб ёзган 2016 йил 19 октябрдаги мурожаати ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф-сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш буйича ишчи комиссиянинг 2016 йил 24 октябрдаги далолатномасини кўриб чиқиб,

**Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :**

1. Нурабад тумани Қоракулча массиви ҳудудида жойлашган «Rustamjon Abbosjon orzusi» фермер хўжалигига қарашли ер майдонига «Rustamjon Abbosjon orzusi» фермер хўжалиги томонидан дала шийпони биноси қуриш учун 0,02 гектар ер майдони танлаш тўғрисида ишчи комиссиянинг 2016 йил 24 октябрдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. «Rustamjon Abbosjon orzusi» фермер хўжалиги раиси Рустамов Фозилга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида

АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиха ҳужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини икки йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га Рустамов Фозил томонидан тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Рустамов Фозил томонидан икки йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Джураев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов